

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

Рахматова Д.Н.

ЎзДЖТСУ., Профессор.

Гондурова О.В.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

Салихова Г.Х.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

Джалилова Л.А.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

Қурбонов Х.Х.

ЎзДЖТСУ., Доцент

Казоқов Р.Т.

ЎзДЖТСУ, Катта ўқитувчи.

Далекина А.С.

ЎзДЖТСУ, Ўқитувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13941822>

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасалари тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш ва урф-одатларга ўргатиш ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар. Меҳржон, хотира ва қадрлаш куни, наврўз, қариялар куни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, меҳнат фахрийлари билан учрашув.

EXPERIMENTAL WORK ON THE ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK AND ITS RESULTS.

Abstract. This article discusses the use of national-spiritual values and teaching traditions in preschool educational institutions.

Keywords: Mehrjan, day of memory and appreciation, Navruz, day of the elderly education in the spirit of hard work, meeting with labor veterans.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ РАБОТА ПО ОРГАНИЗАЦИИ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ И ЕЕ РЕЗУЛЬТАТЫ.

Аннотация. В данной статье рассматривается использование национально-духовных ценностей и педагогических традиций в дошкольных образовательных учреждениях.

Ключевые слова: Меҳржан, день памяти и признательности, Навруз, день пожилых людей воспитание в духе трудолюбия, встреча с ветеранами труда.

Маънавий-ахлоқий тарбия соҳасидаги адабиётлар ва илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Тадқиқ этилаётган муаммони амалиётдаги ҳолатини ўрганиш мақсадида қайд этувчи тажриба ишлари ўтказилди.. Тадқиқотларимизга доир ишлари уч босқичда ташкил этилди.

1.Тажриба-синов ишларини ташкил этишга йуналтирилган тайёргарлик босқичи.

Бу босқичда муаммонинг тажриба-синов ишлар дастури ва мазмуни белгилаб олинди.

2. Мактабгача таълимнинг ўқув-методик адабиётлари - давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаммо нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

3. Тажриба-синов майдончаларида ўлказиладиган тажрибалар моҳияти тарбиячи, ота-оналарга тушунтирилди.

4. Ишлаб чиқилган методика тажриба-синов жараёнида текшириб кўрилди. Тавсия этилган методика синаб кўрилиб, ўзгартиришлар киритилди ҳамда натижалар умумлаштирилди.

5. Тажриба ва назорат синовлари гуруҳлар эришган натижаларни таққослаш, қийслаш, махсус методика асосида самарадорлигини аниқлаш мақсадида натижалар таҳлил этилди ва хулосалар чиқарилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда биз илмий тадқиқотларимизнинг мақсад, вазифаларини амалга ошириш, тадқиқотда илгари сурилган илмий фаразларимизнинг ҳаққонийлигини амалиётда синаб кўриш мақсадида мактабгача таълим муассасси тарбиячилари ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари, маҳалла қўмиталари раислари, мактабгача таълим муассасси мусиқа ўқитувчиси билан суҳбатлар, ёзма сўровлар ўтказилди. Ўтказилган суҳбатлар ва ёзма сўровларнинг натижалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди, хулосалар чиқарилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациямизнинг ушбу бандида тажриба-синов ишларининг қандай ташкил этилганлигини умумлаштирилган ҳолда беришни лозим топдик: Аввало ката гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида машғулот жараёни мақсадга мувофиқ ружалаштирилди.

Бунда мактабгача таълим ёшдаги болалар маънавиятини шакллантиришга қуйидаги мавзуларни дастурга қўшимча равишда юритишни назарда тутди:

1. Эртақлар ва ривоятлар, урф одатлар. Байрамлар мазмунида миллийлигимизни ифодаланиши.

2. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида маълумот.

3. Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётида комил инсон тарбияси.

Мазкур муаммони ҳал этишда, «Мустақиллик ҳақидаги илк тушунча» ни эртақлар, ривоятлар, ҳикматлар, урф-одатлар, байрамлар орқали машғулотлар жараёнида «Ўзбекона урф-одатлар», «миллий байрамлар», «миллий ҳалқ ўйинлари ва айтишувлари», «ҳикматлар бўстонида одоблилик», мавзуларига сингдириш тавсия этилди. «Мустақиллик ҳақидаги илк тушунча» катта гуруҳдаги «Она юртим» мавзусининг таркибида бериш назарда тутилди. «Мустақиллик нима?» мавзуси мактабга тайёрлов гуруҳида «Болажон» дастурида келтирилган «Куйга тўлсин она Ватан», «Ўлка» мавзуларини уйғунлаштириб ўрганиш тавсия қилинди.

Мактабгача таълим муассасасининг таянч «Болажон» дастурлари мазмунида мустақиллик ғояси етарли даражада ўрин олди. Айниқса “Ватаним”, “Ўзбекистоним”, “Тинчлик бўлсин” мавзулардаги машғулотларга бир мунча аҳамият берилган. Ката гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳ машғулотларида маънавиятга доир билим савиясини ошириш учун болаларга эркинлик бериш, фикрлаш, қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик педагогикасига

таяниш мақсадида: - машғулот жараёнида «Ғунча», «Мактабгача таълим», «Соғлом авлод учун» журналларидаги болаларга аталган материаллардан, «Одобнома», «Маърифатнома» радиоэшиттириши, телекўрсатувлардан фойдаланиш, «Бор эканда, йук экан», «Оқшом эртаклари», «Эртаклар яхшиликка етаклар» каби эшиттиришлар ва телекўрсатувлар замирида донишмандлик, юксак одобахлоқ маънавият ётганига эътибор қаратиш; - суҳбатларда тарихийлик тамойилларига риоя қилиш, тарихий миллийқаҳрамонлар ва буюк шахслар ҳақидаги тушунчаларини содда, тушунчаларни ифода этиш, буюк мутафаккирлар ҳамда ҳозирги давр олим ва фозил кишиларнинг маданиятимиз, санъатимиз учун қўшган ҳиссалари ҳақида ҳикоятлар орқали болалар тафаккурини ривожлантириш; - Президент И.А.Каримовнинг ўзбек халқининг миллий-маънавий меросини тиклаган тадбиркор, билимдон шоир сифатидаги хислатлари, унинг болалар ва ёшларга яратиб бераётган имкониятлари, бугунги кунда уларнинг илмхунарни эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари, ёшларимизнинг чет элларга илм олиш учун юборилиши, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида меҳнатини ёш авлод онгига етқизиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, машғулот жараёнида зукколик, топқирлик, тадбиркорлик, ижодкорлик тамойилларига таянилган ҳолда ташкил этилган ҳаркатли ўйинлар орқали болаларда интизом, маъсулият, ирода, фаоллик каби сифатлар ҳам таркиб топади. Бу борада, айниқса халқимизнинг қадимий ўйинларига бағишланган машғулотларда қуйидагиларга эътибор қаратилди. - ўзингиз севган ўйин турини чизиб тасвирланг; - ўйин пайтида ўзингизни қандай сезасиз? - ўйнаган ўйинингиздан қаноатланасизми? - ўйин пайтида ғирромлик ҳам бўладими? Унинг оқибати нима билан тугади? - бир дўстингиз ўйин қондасини бузди. Сиз унга қандай муносабатда бўлдингиз? - қандай болалар ўйинларини биласиз? Ва ҳ.к.

Машғулотдан болалар маънавий озик олишлари пироварди натижа бўлиши муҳим.

Ана шундагина натижа қониқарли бўлади. Шундай машғулотларда одоб – ахлоққа оид мультфильмлар, кинофильмлардан унумли фойдаланиш, музей, зиёратгоҳ жойларга сайёҳатлар уюштириш, ҳаёлан сайёҳатлар қилиш, боллаар театрларидаги томошаларни мунтазам кўриб боришни ва таҳлил қилиш орқали болаларда эркин ва мустақил фикр қилиш, муомала ва муносабатга киришиш ҳислатларини таркиб топтириш ҳам муҳим саналади. Одоб илми – Ватан, Ватан туйғуси, инсонийлик одобига оилада, жамиятда миллий урф-одат ва анъаналарга риоя қилиш билан шаклланади. Болалар маънавиятини шакллантиришда қуйидагича мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш ҳам аҳамиятлидир. - Катта гуруҳда «Исрофгарчилик ва унинг зарари», «Меҳнатсеварлик – олий фазилят», «Ким бўлсам экан», «Орасталик яхши одат», «Қушларга ғамхўрлик», «Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар», «Нима яхши-ю, нима ёмон». - Мактабга тайёрлов гуруҳида эса, «Оналик меҳри», «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ», «Юрт тинчлиги – эл бойлиги», «Боболаримиз ва момоларимиз куйлаган қўшиқлар». Бу мавзулардаги суҳбатлар болаларга теварак атрофга бўлган муносабатларни мушоҳада қилиб эшитиб, тушунгаларини баён этиш қобилиятлари, ижодий тафаккурини қай даражада ривожланганлигини намоён этади.

Тажриба жараёнида тест саволларига ҳам жавоб олинди. Тестлар қуйидаги саволлардан ўрин олган эди: - урф-одат, маросим, миллий қадриятлар деганда нимани тушунасиз? - мустақил Ўзбекистон деганда кўз олдингизга нималар намоён бўлади? - одоб-ахлоқли бола сизнингча, қайси сифатлари билан ажралиб туриши керак? - қайси миллий

байрамларни яхши кўрасиз? Тестларга олинган жавоблар болалар билан маънавий маърифий ишларни қандай ташкил этишга ёрдам берд ива биз мазкур ишни ташкил этишда, айнан болаларнинг билим даражаси, тасаввури ва дунёқарашиини ҳисобга олган ҳолда фикр юритдик.

Бундан ташқари саволномалар воситасида ота-оналарнинг маънавийтга доир билим ва тасаввурларини аниқлаш асосида улар ўртасида маънавиймаърифий ишларни ташкил этиш белгилаб олинди: - урф-одат, маросим, миллий қадриятлар деганда нимани тушунасиз? - мустақил Ўзбекистон деганда кўз олдингизга нималар намоён бўлади? - одоб-ахлоқли бола сизнингча, қайси сифатлари билан ажралиб туриши керак? - қайси миллий байрамларни яхши кўрасиз? Ота-оналар жавоблари билан тарбиячиларнинг жавоблари таққосланди ҳамда уларнинг жавобларида ўхшаш фарқли жиҳатларини ҳисобга олиб, мактабгача таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар режасига киритишни мақсадга мувофиқ деб топилди: - мактабгача таълим ёшдаги болаларни миллий истиқбол ғоялари асосида тарбиялаш (тарбиячи учун маъруза). - миллий анъаналар ва урф одатлардан таълим жараёнида фойдаланиш (тарбиячилар учун семинар). - мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни. (ота-оналар учун семинар). - миллий мафкура ва биз (давра суҳбати). - «Миллий одоб» мавзусида (болалар билан мулоқот). - «Тўмарис авлодлари» - қизлар баҳси. - «Маҳалла маънавияти» мавзусида ота-оналар, маҳалла фаоллари билан мунозара. - «Ўзбекистон – менинг Ватаним» мавзусида бадий ўқиш ва ёш рассомлар кўрик танлови. - Шаҳримиз (қишлоқ, туман, вилоят) тарихини ўрганамиз. - «Амир Темур авлодларимиз» - спорт мусобақалари танлови ва бошқалар. Юқоридагиларга таянган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этиш механизмини чизмада келтирамиз. Тажриба – синов ишларининг юқоридагидек ташкил этилиши самарали натижаларни олиб келди. Биз буни навбатдаги банда ёритишга ҳаракат қилдик.

REFERENCES

1. Bobomurodov A., Po'latova K., Siddiqova M. MAKTAB YO'LG'A BOLALARINING CHQIQI MAHORANINING O'ZIQ XUSUSIYATLARI //Fan va innovatsiyalar. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 368-374.
2. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ЁШГА ОИД РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 45-47.
3. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 3. – С. 36-37.
4. Бобомуродов А. Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИК ҚОБИЛИЯТИ ЁШГА ОИД РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 45-47.
5. Shoyimardonov Sh. A., Bobomurodov A. E. TALABALARDA PEDAGOGIK MAHORAT VA KO'NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH. – 2023 yil.
6. Умаров Д.Х. «Теория и спорта». Учебник. Чирчик-2021 г. 220 с.

7. Khasanov, D. (2022). Efficiency of using national movement and action games at primary school. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 185-193.
8. Xasanov, D. (2020). SOG 'LOM TURMUSH TARZI VA JISMONIY RIVOJLANISHNING UYG 'UNLIGI. "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси менежерларининг касбий компетентлигини ошириш йўллари".
9. Dilmurod, K. (2023). DEVELOPMENT OF ENDURANCE ABILITY OF 6TH CLASS PUPILS THROUGH TRACK AND FIELD EXERCISES AS AN AFTER-SCHOOL ACTIVITY. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 305-313.
10. Xasanov, D. X. (2021). БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. *Fan-Sportga*, (5), 37-39.
11. Khasanov, D. (2023). METHODOLOGY OF DEVELOPING STRENGTH ENDURANCE OF SECONDARY SCHOOL CHILDREN. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 6(2).
12. Qurbonov X.X. "O'rta masofaga yuguruvchilar jismoniy tayyorgarligini oshirish va sport formasini takomillashtirish samaradorligi". "Fan sportga" ilmiy-nazariy jurnal. 2023/6. ISSN 2181-7804. -B. 63-70. [13.00.00№16].
13. Курбанов X.X. "Структура тренировочных микроциклов, обеспечивающая стабильность спортивной формы в годовом тренировочном цикле". Сборник научных трудов по материалам X международной научно-практической конференции. 1 июля 2020 год. -С. 66-69.
14. Qurbonov X.X. "O'rta masofaga yuguruvchilar sport formasini baholash mezonlarini yillik tayyorgarlik mashg'ulotlarida qo'llash samardorligi". "Jismoniy tarbiya va sport sohasini muammolar, yechimlar va istiqbollar". Respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2023 yil 12 aprel. -B. 88-95.
15. Xasanov, D. (2023). O'rta sinf o'quvchilarining chidamlilik qobiliyatini nafas olish mashqlaridan foydalanib rivojlantirish. Sportda Ilmiy tadqiqotlar.
16. Khasanov, D. (2022). Efficiency of using national movement and action games at primary school. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 185-193.
17. Khasanov, D. (2023). Methodology of developing strength endurance of secondary school children. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 6 (2).
18. Dilmurod, K. (2023). Development of endurance ability of 6th class pupils through track and field exercises as an after-school activity. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 305-313.
19. Xasanov, D. (2023). Jismoniy tarbiya darslarida o'rta sinf o'quvchilarining kuch chidamliligini tarbiyalash. Scienceweb academic papers collection.
20. Xasanov, D. (2023). Chidamlilik qobiliyatini tarbiyalashning o'ziga xos xususiyatlari. "Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi muammolar, yechimlar va istiqbollar" Respublika ilmiy-amaliy anjumani to'plami.
21. Xasanov, D. (2022). O'rta sinf o'quvchilarining chidamlilik qobiliyatini rivojlantirishning ahamiyati. "Jismoniy tarbiya, sport sohasidagi muammolar, yechimlar va istiqbollar".

- 22.Хасанов, Д. Х. (2022). Жисмоний тарбия дарсларида 5-6 синф ўқувчиларининг чидамлилиқ қобилиятини ривожлантириш. *Fan-Sportga*, (5), 79-82.
- 23.Arabov X.S. Yosh futbolchilar tezkorlik jismoniy sifatini maxsus mashqlar orqali rivojlantirish samaradorligi. *Fan-sportga ilmiy-nazariy jurnali*. Toshkent-2021.
- 24.Arabov X.S. Futbolchilarning tezkorlik jismoniy sifatini rivojlantirish. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar” Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2021.
25. Arabov X.S. Ko‘zi ojiz va zaif ko‘ruvchi futbolchilarning tayyorgarlik jarayonini olib borish uslubi. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar” Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2023.
- 26.Arabov X.S. Ko‘zi ojiz va zaif ko‘ruvchi futbolchilarning mashg‘ulot yuklamalarini rejalashtirish. “Jismoniy tarbiya va sport sohasida innovatsion yondashuvlar”. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn anjumani. Toshkent-2023.
- 27.Shoyimardanov S. A., Bobomurodov A. E., Kazaqov R. T. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS //Modern Science and Research. – 2023. – T. 2. – №. 12. – С. 425-434.
- 28/Umarov D. X. et al. USE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING PHYSICAL FITNESS OF FOOTBALL PLAYERS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – С. 1313-1321.
29. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
- 30.Умаров Д. Х. Дастлабки тайёргарлик босқичида ёш гимнастикачиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш технологияси //Фан спортга. – 2007.
- 31.Умаров Д. Х., Холмуродов Л. З., Қурбонов Х. Х. СПОРТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧИДА ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 354-362.
32. Умаров Д. Particularities of movement skills manifestation by young gymnasts at initial training stage //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 162-167.
33. Умаров Д. Х. АНАЛИЗ ПАРАМЕТРОВ ТРЕНИРОВОЧНОЙ НАГРУЗКИ ЮНЫХ ГИМНАСТОВ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 22-24.
- 34.Умаров Д. Х. ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ АЛГОРИТМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ: Умаров Джамшид Хасанович, педагогика фанлари номзоди, профессор, жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедраси мудири, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 5.
35. Умаров Д. Особенности проявления двигательных навыков молодыми гимнастками на начальном этапе подготовки //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 162-167.

36. Умаров Д. Х., Киенко А. Г. ВОСПИТАНИЕ КОНДИЦИОННЫХ КАЧЕСТВ ЮНЫХ БАСКЕТБОЛИСТОВ НА ЭТАПЕ НАЧАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ //Актуальные проблемы физической культуры и спорта в современных социально-экономических условиях. – 2020. – С. 338-342.
37. Умаров Д. Х., Киенко А. Г. Основы тренировки кондиционных (физических) качеств юных баскетболистов на этапе начальной подготовки //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46). – С. 79-81.
38. Керимов Ф. А. и др. Информационная модель всесторонней оценки факторов риска состояния здоровья и спортивной формы высококвалифицированных спортсменов //Fan-Sportga. – 2020. – №. 4. – С. 19-28.
39. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ НАЧАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ БАДМИНТОНУ ПО НЕТРАДИЦИОННЫМ СРЕДСТВАМ //Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2019. – С. 88-91.
40. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ СИЛОВЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПОРТСМЕНОВ IMPROVEMENT OF POWER ABILITY DEVELOPMENT METHODS AT QUALIFIED ATHLETES //ББК 75.1 А-437. – 2019. – С. 254.
41. Умаров Д. Х. ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИ МУРАККАБ МАШКЛАРГА УРГАТИШДА ХАРАКАТ ТАЙЁРГАРЛИГИ //Fan-Sportga. – 2018. – №. 4. – С. 16-21.
42. Умаров Д. Х., Бадалова Б. У., Низамов М. М. Методика развития скоростных способностей у юных бадминтонистов //Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2017. – С. 392-395.
43. Умаров Д. Х., Холмуродов Л. З. Укрепление здоровья учащихся младших классов при помощи физических упражнений //Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2017. – С. 775-777.
44. Усманходжаев Т. С., Умаров Д. Х., Ташназаров Д. Ю. Формирование здорового образа жизни молодежи средствами народных игр с выходом на массовый спорт //Человек, здоровье, физическая культура и спорт в изменяющемся мире. – 2016. – С. 569-571.
45. Хуррамов Ж. К., Умаров Д. Х., Саламов Р. С. ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ //Современные проблемы и перспективы развития системы подготовки спортивного резерва в преддверии XXXI Олимпийских игр в Рио-Де-Жанейро. – 2015. – С. 324-326.
46. Умаров Д. Х., Умаров М. Н. Сравнительный анализ профессионально-прикладной физической подготовленности учащихся колледжа //Наука и спорт: современные тенденции. – 2015. – Т. 8. – №. 3. – С. 24-27.
47. Umarov D. BRIGHT MANIFESTATIONS OF UZBEK PROSE OF THE SECOND HALF OF THE 20TH CENTURY //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 842-847.

48. Tojimatova Z., Umarov D. THE HISTORY AND DEVELOPMENT OF" WOMEN'S LITERATURE" IN LITERARY STUDIES //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1099-1103
49. Умаров Д. Х., Мусаев Б. Б. Сравнительный анализ структуры нагрузки перспективных юных гимнастов в соревновательном макроцикле //Наука и спорт: современные тенденции. – 2015. – Т. 8. – №. 3. – С. 28-31.
50. Kerimov F. et al. Possible associations of 25 (OH) vitamin D status with upper respiratory tract infections morbidity and overtraining syndrome among elite wrestlers //Journal of Physical Education and Sport. – 2019. – Т. 19. – С. 2177-2184.
51. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
52. Boltayeva I. T., Tashnazarov D. Y., Kazaqov R. T. TECHNICAL-TACTICS OF 13-14-YEAR-OLD FOOTBALL PLAYERS EFFICIENCY OF EDUCATIONAL ACTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 91-98.
53. Boltayeva I. T. et al. ANATOMY OF THE EXACT AND NATURAL SCIENCES TEST TASK //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 99-105.
54. Казоқов Р. Т. и др. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. – 2024.
55. Djurayeva X. X., Xodjiyev R. M., Kazoqov R. T. DIFFICULTIES IN TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 316-326.
56. Beknazarov S. H. Q., Kazoqov R. T. IDEOLOGICAL THREATS AND IMPORTANT PROBLEMS OF IDEOLOGICAL EDUCATION, NATIONAL HISTORICAL THINKING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 1016-1029.
57. Boltayeva I. T. et al. ANATOMY OF THE EXACT AND NATURAL SCIENCES TEST TASK //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 99-105.
58. Бойқобилов А. П. и др. ТУРЛИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯДРО УЛОҚТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 30-40.
59. Авезова Г. С., Казоқов Р. Т. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТИКЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИГА ТАЪСИРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 205-214.
60. Шопулатов А. Н., Казоқов Р. Т., Хайдарова Г. М. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ БАҲОЛАШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 197-204.
61. Бойқобилов А. П. и др. ТУРЛИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯДРО УЛОҚТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 30-40.